БАДИИЙ АСАР ТАҲЛИЛИГА АНАЛИТИК ЁНДАШУВ ХУСУСИДА

Ш.Ҳасанов

Мақолада талабаларнинг аналитик фикрлаш қобилиятини шакллантириш уларда касбий компетентлиликни ривожлантириш, эрудицияни ўстириш ва мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашнинг муҳим интеллуктуал омили экани баён қилинган.

Калит сўзлар: *глобаллашув, тафаккур, эрудиция, ақлий фаолият, таҳлил, салоҳият, кўникма, малака, қобилият, заковат, компетенция.*

В статье формирование способности аналитического мышления студентов рассматривается как важнейший интеллектуальный фактор повышения их профессиональной компетентности, развития эрудиции и укрепления идеологического иммунитета.

Ключевые слова: *глобализация, мышление, эрудиция, умственная деятельность, анализ, способность, квалификация, сообразительность, компетенция.*

The article considers the formation of students analytical thinking gifts in the age of globalization as an important intellectual factor in the development of students professional competence, erudition and strengthening their ideological immunity.

Key words: *globalization, thinking, analytics, erudition, intellectual, activity, analysis, capacity, skills, qualification, intelligence, competence.*

Аналитик тафаккур – бу таҳлилий фикр юритиш санъати: таҳлилга олинган бирор муаммо, ахборот, воқеа-ҳодисани ўрганиш жараёнида у ҳақда атрофлича, аниқ фикр юритиш қобилияти. Таҳлилчи-аналитик предметни синчиклаб ўрганади: уни қисмларга ажратади – ҳар бир қисм (сўз, жумла, деталь, нарса) устида жиддий фикр юритади, қисмларни ўзаро мантиқий боғлайди; бир қанча таҳлилий хулоса ва қарорлар қабул қилади ва уларнинг ичидан энг мақбулини сайлаб олади. Матн таҳлилида сўз ва гапларнинг ташқи, зоҳирий маъносини уқиш билангина чекланилмайди, балки уларнинг ички – ботиний маъно қатламларини ҳам кашф этиш мақсад қилинади. Аналитика муаммо ёки масаланинг осон ва тез, тўғри ва аниқ ҳал этилишини таъминлаш гаровидир.

Адабий таълимдан кўзланган мақсад ва вазифаларга, асосан, бадиий асарнинг ўқув-дидактик таҳлили воситасида эришилади. Адабиётшунос олим Қ.Йўлдошевнинг: «Қачонки, бўлажак филолог бадиий асарларни таҳлил этиш йўл-йўриғини фан даражасида ўрганмас ва ҳар қандай жанрдаги эстетик яратиқни таҳлил қила олиш малакасига эга бўлмас экан, адабий таълимдан кузатилган асл мақсадга тўлиқ эришилиши мумкин эмас. Адабиёт ўқитувчиси ночорлигича, адабиёт дарслари зерикарлилигича, асардан чиқариладиган хулоса «ижтимоий насиҳат»лигича қолаверади» [1.9], деб таъкидлаган эди. Адабий таълимни яхшилаш йўлида бой илмий мерос, кучли методик тажриба, етарли педагогик таъминот мавжудлигига қарамай, ҳозиргача адабиёт ўқитиш билан боғлиқ муаммолар ўзининг тўлиқ ечимини топмай келаётгани бу борадаги ишларни янада ривожлантиришни тақозо этади. Профессор Д.Қуронов «Адабий таълим ҳақида айрим мулоҳазалар» мақоласида шундай ёзади: «Истиқлол йилларида адабий таълим соҳасида ҳам кўплаб ўзгаришлар содир бўлди: янги давлат таълим стандартлари қабул қилинди, шу асосда ўқув дастур ва режалари ишлаб чиқилди,

уларга мос дарслик ва қўлланмалар чоп этилди. Алабатта, буларнинг бари адабий таълимни яхшилаш мақсадига қаратилган. Лекин ҳануз улардан кутилган натижага эришилмоқда, деб баралла айта олмайсиз. ... Назаримда, ҳозирча биз бир қутбдан иккинчисига сакрашга тараддудланяпмиз, холос: шўро даври таълим тизимидаги адабиётни восита сифатида ўқитишдан – санъат сифатида ўқитишга, пировардида эса, очиғи, на унисини ва на бунисини рисоладагидек амалга оширолмай турибмиз» [2] деб ёзадики, олимнинг фикрлари адабий таълимнинг ҳозирги аҳволи ҳақида ёрқин тасаввур беради.

Адабий таълимдаги мавжуд муаммоларнинг субъектив омили – адабиёт ўқитувчисига, унинг бадиий асарни таҳлил қилишдаги «ночорлиги»га бориб тақалади. Методист ўқитувчи Н.Алиқулованинг: «...ўқувчида кўпинча таҳлил ўқилган бадиий асар сюжетини гапириб беришдан иборат, деган тушунча муҳрланиб қолмоқда. Бу ўз-ўзидан ўқувчининг фикри ва дидини ўтмаслаштиради ҳамда уни китоб мутолаасидан узоқлаштиради» [3.37], деб ёзади. Тан олиб айтишимиз керакки, бадиий таҳлил лаёқатимизнинг сустлиги, фикрлаш кўламимизнинг торлиги сабаб ҳамон Навоийни англашга қийналамиз, Машрабни тушунмаймиз, Румийга «тишимиз ўтмай» келяпти. Адабиёт ўқитувчисининг бадиий асарни таҳлил қилиш компетенцияси паст бўлган вазиятда ўқувчи ва талабанинг бадиий асарни таҳлил қилиш борасидаги оқсоқлиги давом этаверади.

Шундай экан, адабий таълимни янада яхшилашнинг, бадиий асар таҳлилини такомиллаштиришнинг қандай самарали йўллари мавжуд? Қандай педагогик тадбирлар қўлланилса, ўқувчи ва талабаларда бадиий асарларни ўқиш, уқиш, таҳлил этиш лаёқати ижобий томон ўзгаради?

Адабий таълимда бадиий асар таҳлили жараёнида қўлланиб келаётган баёнчилик, қайта ҳикоялаш, бирёқлама тавсифлаш, ғоя қидириш, қуруқ савол-жавоб ўтказиш каби таҳлил йўл-йўриқлари бугуннинг талабига жавоб бермай қўйди. Бир томондан, бадиий асар таҳлили борасидаги мавжуд миллий ҳамда хорижий билим ва тажрибаларни танқидий-таҳлилий ўрганиш орқали янада бойитиб амалиётга татбиқ этиш, иккинчи томондан, адабий таълим жараёнига – бадиий асарларни таҳлиллаш кечимига, инновацион таълим технологияларини, янгича ёндашувларни жорий этиш йўли билан адабий таълимдан кўзланган мақсадга эришишни ишончли таъминлаш мумкин бўлади. Бадиий асар таҳлилига аналитик ёндашув – бу адабий таълимни модернизациялашнинг ўзига хос интеллектуал йўлидир. Бизнингча, олий адабий таълимда талабаларда аналитик тафаккур юритишни барқарор ривожлантириш орқали таълим босқичларида адабиёт ўқитишнинг сифати ва самарадорлигини кескин юксалтиришга эришиш мумкин бўлади.

Қуйидаги омиллар бадиий асарнинг аналитик таҳлили самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади:

- бадиий матн арофлича, синчиклаб ўрганилади;
- ҳар бир жумла, сўз, ибора устида таҳлил кетади, фикр юритилади;
- матнга алоқадор бир қанча янги фикрлар «кашф» этилади;
- ҳар бир «кашфиёт» асослаб берилади;
- фанлараро интеграция такомиллашади;
- ўқувчи таҳлилга гўё детектив воқеалар изқувари сифатида киришади;
- таҳлил миқёси кенгаяди, мазмуни бойийди;
- таҳлилий хулосалар ўқувчига мажбуран сингдирилмайди: унга насиҳат, маслаҳат берилмайди, аксинча, ўқувчининг ўзи асардан руҳий озиқланади, бадиий қувват олади, маърифий ҳикмат топади;
- бир матн доирасида бир неча қарор, хулосалар ясалади, уларнинг энг мақбули сайлаб олинади; ўқувчи ва талабада мустақил қарор қабул қилиш кўникмаси шаклланади;
- аналитик таҳлил ўқувчи ва талабани дарсга – билим олишга бефарқ, лоқайд қолдирмайди: оҳанрабодек ўзига тортиб олади;
- дарснинг бутун оғирлиги ўқитувчининг зиммасига тушмайди, ўқувчиларнинг фаоллиги ихтиёрий равишда ортади;
- ўқувчи ва талабада яна кўплаб бадиий асарларни ўқиш, уларни шу тахлитда таҳлил қилиш истаги туғилади;
- бадиий асар таҳлилига аналитик ёндашув адабий таълимга янгича педагогик руҳ, интеллектуал қувват бағишлайди.

Фикрларимизни Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романидан олинган аналитик ёндашув асосида таҳлил қилиш орқали далиллашга ҳаракат қиламиз (Асар матни ўқиб чиқилгандан сўнг ундан олинган қуйидаги парча аудитория доскасига ёзилади ёки проектор орқали экранга туширилади):

... Акаси ўз гапини едиролмагач – Қурбонбиби билан маслаҳат қилиб туриб – масалани эшон бобога арз қилди.

Эшон аввал:

– Сўфи ўзи қани? – деб сўради.

Сўфининг акаси:

– Уйда қолди... Сал тиши оғрибди... – деди.

Эшон кулди:

– Тиши оғрибдими? – деди. – Бай-бай! Тиш оғриғи ёмон нарса. Боринг, айтинг: каппоннинг бурчагидаги сартарошга борсин, омбир солиб, дарров олиб ташлайди. Тинчийди-қолади... Боринг, омин оллоҳу акбар! [4.17]

«Кеча ва кундуз» романидан олинган ушбу парчанинг ўқув таҳлилига аналитик ёндашув талабаларда қуйидаги фикр ва хулосаларнинг юзага келишига сабаб бўлади:

• илк хулоса: парчада Раззоқ сўфи эътиқод қўйган, Қурбонбиби эрининг «жонини беришга ҳам тайёр эканидан» улуғ одам деб биладиган, ака нажот илинжи билан келган Эшон бобонинг арзга ҳам, арз қилгучига ҳам беписанд, такаббурона муносабатда бўлгани тасвирланади (Эшон бобонинг арзга ҳеч қандай муносабат билдирмагани, киноя-ли кулиши, заҳарханда маслаҳати фикримизни далиллайди);

• ҳеч ким Раззоқ сўфининг феъл-атворини, характерини, «нозик томонлари»ни Қурбонбибичалик яхши билмайди (унинг хотини экани, бадфеъл эри билан «тил топишиб» бирга яшаб келаётгани; аканинг маслаҳат сўраб мурожаат қилгани фикримиз асосидир);

• Эшон бобо – Раззоқ сўфининг «Каъбаси» (Қурбонбиби қайноғасига эрини кўндириш учун Эшон бобога (бошқа одамга эмас) боришни маслаҳат бергани; асарнинг бошқа ўринларида сўфининг ўз тилидан айтган эътирофлари, хотини ва қизининг бу ҳақдаги киноялы гап-сўзлари фикримизга мантиқий далил бўлади);

• Раззоқ сўфи – қув, муғомбир одам (акаси қишлоққа қайтиш ҳақида сўз очди дегунча, масалани тезда бошқа томонга буришида; ўз уйида гоҳ шовқин кўтариб, гоҳ «дамини ичига солган, зиқна одам» бўлишида; Эшон бобонинг киноявий кулгисида бунга ишора ётади);

• Раззоқ сўфининг акаси вақтлар ўтиб ўз хатоларини англаган, уларни тузатмоқчи бўлган, меҳнаткаш, ростгўй одам (укасини қишлоққа олиб кетиш орзусида ҳаракат қилаётгани; «уйда қолди», «сал тиши оғрибди...» деб ёлғон айтишга қийналгани фикримизни тасдиқлайди. Бундан ташқари, парчада қўлланган кўп нуқта – тиниш белги Эшон бобонинг савлати ва салобатидан; юрт катталари билан кўп рўбарў келмаган аканинг қаттиқ ҳаяжонидан ҳамда кимсан Эшон бобога ёлғон важ кўрсатиб қийналаётганидан хабар беради);

• аканинг хатти-ҳаракатлари замирида оға-инилик масъулияти, қариндошлик мажбурияти; гинакудурат, аразлашишни узоқ давом эттирмаслик, кечиримли бўлиш ҳикматлари ётади (укасининг қошига яхши ният билан келиши, имконидаги чораларни кўриши фикримизга мантиқий асос бўлади);

• халқимизда азалдан диний ва дунёвий билим эгаларига, юрт катталарига алоҳида ҳурмат-эҳтиром, ишонч кўрсатиш одат қилинган; бирор масала ёки муаммонинг ечимини излаб донишмандлар ҳузурига, амалдорлар олдига борилган (аканинг арз билан Эшон бобога бориши тасодифий эмас, балки мавжуд анъаналарнинг узвий давомидир);

• қадимдан савдо дўконлари, сартарошхона, ҳаммом каби маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳозирдагидек гузарларда, бир-бирига яқин жойлашган («...каппоннинг бурчагидаги сартарошхонага борсин» деб айтилиши фикримизни исботлайди. Каппон – савдо дўкони, баққоллик);

• халқимизда бирор кишига тааллуқли масала ҳал қилинаётган вақтда даврада у кишининг ўзи шахсан иштирок этишига алоҳида эътибор қаратилган. Бу нарса миллий қадриятимизнинг бир кўриниши саналиб, турли иғво, ҳасад, мишмишларнинг олдини олган. Одамлар бировларнинг орқасидан ғийбат қилишни гуноҳ санаганлар (Эшон бобонинг «Сўфи ўзи қани?» деб сўраши замирида ана шу маъно англашилади);

• бадиий парчада икки марта қўлланган «боринг» сўзини: биринчи «боринг»ни – «учрашинг», «топинг» маъносида; иккинчи бор қўлланган «боринг»ни – «кетинг», «жўнанг» маъносида; бир марта қўлланган «Оллоҳу акбар»ни – «Оллоҳ улуғ» маъносида ва «гап тамом, вассалом» маъносида уқиш мумкин.

Бадиий асарни аналитик тафаккур воситасида таҳлил қилиш жараёнида талаба кашф этилаётган бадиий ҳақиқат, таъриф-тавсиф, хулосанинг мантиқий, матнга алоқадор бўлишини доимо ёдда тутиши лозим.

Адабиётлар:

1. Йўлдош Қ., Йўлдош М. Бадиий таҳлил асослари.- Т.: KAMALAK, 2015.
2. Қуронов Д. Адабий таълим ҳақида айрим мулоҳазалар // http://quronov.narod.ru/dmaqk2.html
3. Aliqulova N. Adabiyot o'qitishda badiiy tahlil masalalari // Til va adabiyot ta'limi, 2018.-№3.
4. Чўлпон. Кеча ва кундуз.- Т.: Шарқ, 2012.

Андижон давлат университети,
2018 йил 15 майда қабул қилинган
(Тақризчи: п.ф.д. Ш.Юсупова)